

Миллатнинг буюк кашфиёти

Профессор Шўҳрат МАХМУДБЕКОВ билан маҳалланинг кечаги ва бугунги куни ҳақида сўхбатлашмоқчи эдим. У киши буни сезди шекилли, сўзини энг узоқ мозийдан бошлади.

— Маҳалланинг тарихи асрлар билан ўлчанади. Очирок айтганда, Бронза даврига бориб тақалади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Бронза даврининг ёдгорлиги ҳисобланадиган Сополитлепада дастлаб 8 та оила умрғуздорлик қилган. Уларни фақат уруғ жамоаси эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатлари ҳам бирлаштириб турган. Кейинчалик уларнинг сафига патриархал тизим асосида юздан ортиқ оидалар келиб қўшилишган. Катта оидалар жамоасини бошқариш улар орасидан сайланган оқсоқол зиммасига юклатилган. Оқсоқоллар ўз навбатида олий оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Кенгаш аъзолари, «Авесто»да айтилганидек, Нманapati номи билан аталган. Уша давр атамаси билан айтганда «Нмана» катта оила жамоасини билдирса, Нманapati эса катта оила бошлиғи эканини аниқлаган. Агар ана шу тизимга асосланиб айтайдиган бўлсак, Сополитлепанинг 8 Нманадан иборат вис эканлиги маълум бўлади. Вис қабила жамоаси, катта қишлоқ маъносини билдиради. Виспати эса Нманаларни бирлаштирган олий кенгаш бошлиғи, яъни катта қишлоқ оқсоқоли деганидир. Оқсоқоллар олдига жамоа — қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча муаммоларнинг олий кенгаш орқали ҳал қилинган.

Эрамиздан аввалги III асрдан миллодий V асрнинг бошларигача Фарғона (Паркана) давлатида ҳам оқсоқоллар кенгаши зиммасига аҳамиятли вазифалар юклатилган. Кенгаш асосан сулҳ тузиш, вазирлар таркиби ва солиқларни тайинлаш, уруш эълон қилиш, жамоа ишлари сафарбор этиш каби масалалар билан шуғулланган.

— Маҳалла деганда, аввало, катта оила, кейинчалик уларни ўзида бириктирган ҳудудий жамоа тушунилади.

экан. Бу ҳақда илмий ёки бадиий адабиётларда ҳам фикрлар айтилганми?

— Очиргани айтганда, маҳалла тарихи бизда ҳали кам ўрганилган. Аслида ҳам бадиий, ҳам илмий адабиётларда унинг кўп йиллик тарихига эга эканидан далолат берадиган қўлбалак манбалар бор. Чунончи, ҳазрати Мир Алишер Навоий ҳам «Ҳайратул аброр» асарига маҳалла таърифини шундай келтиради:

Шаҳарлар отини маҳаллол этиб, Бўди ну юз маҳр Ҳирот этиб.

Бу ерда гувоҳи бўлганимиздек, «маҳалла» — шаҳар ичидаги шаҳарча» эканлиги, яъни Ҳирот шаҳри юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳалладан ташкил топганлиги ҳақида гап бормоқда.

— Тарихимизда маҳаллаларга аълоҳида этибор бериш қачон бошланган?

— Маҳаллаларнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаш даври соҳибқирон Амир Темур яшган ва давлат қурган даврига тўғри келади. Уша даврда маҳаллаларда яшаш, истиқомат қилиш фуқароларнинг касб-кори асосида ташкил топган. Масалан, темирчилар, қуролсозлар, тикувчилар, чармдўзлар, гиламдўзлар, кулоллар, қурувчилар ва бошқа хунаремандларнинг ҳар бирининг ўз маҳалласи бўлган. Ва улар ана шу ерда меҳнат қилиб, ҳаёт кечирганлар. Буюк саркарданинг улкан ҳарбий юришларида маҳаллалар ҳам фаол қатнашганлар.

Маҳалланинг энг камситилган, аниқроқ қилиб айтганда, оёқости қилинган даври собиқ шўрлар замонига тўғри келади.

— Ўтмишда оқсоқолларнинг ҳақ-хўққулари, имкониятлари қандай бўлган?

— Хонлиқ замонига унбoshi, элдикбоши, юзбоши ва

зилмалари хорижий мамлакатларда ҳам борми?

— Ўзбек маҳалласи каби кучли, самарали ва таъсирчан восита на Шарқда, на Гарбда бор. Буни кўпгина йирик мамлакатларнинг вакиллари рўй-роҳат тан олишади. Тўғри, айрим мамлакатлар қонунчилигида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга эътибор қаратилган. Лекин уларда маҳаллий бошқарув органлари жамоа шаклида эмас, балки давлат тизимидаги муассасалар ролини ўйнайди. Очирок айтганда, биздаги шаҳар, туман ҳокимликларининг фаолиятига ўхшаш вазифаларни бажаришади. Германияда коммуна (жамоа), Францияда департамент (муассаса), араб давлатларида мудирья (идора) деб номланади ва бошқарув ҳокимиятининг кўп бўлини ҳисобланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ўзинда ўзбек халқининг асрий инсонпарварлик анъаналарини, ватанпарварлик, миллий гуруҳ ва ифтихор ҳиссиётини, ҳамжиҳатлик гуяларини, жамоатчилик фикри эстуворлигини мужассамлаштирган ўзини ўзи бошқаруving миллий ҳалла ноиб тизими — маҳалла ҳеч бир мамлакатда бизгадек шакланмаган. Унга ўзбеклар ўчоқ, маскан, кичик Ватан сифатида узоқ даврлардан буён амал қилади ва айниқса, бугунги ижтимоий ҳаётда беқисс аҳамият касб этмоқда. Уни ифодали қилиб миллатнинг энг қадиими ва буюк кашфиёти, деб аташ мумкин.

Юрбoshiмиз таъкидлаганидек, маҳалла ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дархонаси қандир. Бугунги маҳалла мамлакатимизда амалга ошириляган ислохотларни чуқурлаштириш, ўз ҳудудида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий масалаларни ечиш, тартибни тиклаш, уни зamon талабларига мос келадиган янги анъаналар билан уйғунлаштириш, аҳолининг ҳуқуқ ҳақда манфаатларини муҳофазда этиш, оила негизини мустаҳкамлаш каби бир қатор вазифаларни амалга оширишнинг энг самарали воситасига айланди.

Маҳалла оидил фуқаролик жамияти қуришимизда асосий таянчига айланаётган экан, унинг вақолат ва ҳуқуқлари тобора кенгайиб бераверлади, эл-юрт осейинталиғи, фаровонлиги ва жамоатчилик салоҳиятини юксалтиши йўлида хизмат қилаверади.

Музаффар НОРМАТОВ сўхбатлашди.

Жиззах вилоятида истиқомат қилаётган 140 та ижтимоий муҳофазат муҳтож, кам таъминланган оилаларга мамлакат Президенти номидан Рамазон туҳфалари улашди. Бу хайрли ишга вилоят ҳокимилик қонмида таъкид этилган ижтимоий хилмога муҳтож оилаларни йўқлаш комиссияси аъзашилик қилди.

МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА РАМАЗОН ТУҲФАЛАРИ

— Уч йилдан буён оғир бегоман, — дейди Бахмал туманидаги «Тараққиёт» ширкат ҳўжалигида истиқомат қилувчи Дўстмурод Нураиёв. — Сизлар йўқлаб келгач, кўнглим тоғдек келгач, қўнглим, дардим анча енгиллашди. Илоҳим, нурунийларни сийлаган, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўяётган муҳтарам Президентимиз омон бўлсин!

Дўстлик туманида истиқомат қилувчи Қўлашли она Бидалова ўз қўвончини шундай изҳор қилди: — 103 ёшта кирдим. Аммо бундай юксак меҳр-оқибат кўрмаганман. Аналар улуғларан юрт абадида буюк бўлган. Мамлакатимиз раҳнамосининг биз, қарияларга қўрсатаётган муруватидан беҳад мамунимиз, Президентимиз бизга бирини берган бўлса, у кишига Аллоҳ минготи берсин!

Йўлчи ЖўРА, ЎЗА МУҲБИРИ.

Буш — АҚШнинг 43-президенти



Ниҳоят, Америка Қўшма Штатларининг 43-президенти номи маълум бўлди. Узоқ давом этган тортишувлардан сўнг республикачи, Техас штати губернатори кичик Жорж Буш муросасиз кечган курашда ғолиб, деб топилди. Демократлардан номзоди кўрсатилган Майкл Дукакис 1988 йилги президентлик сай-

кут штатининг Нью-Ҳейвен шаҳрида таваллуд топган. Йель ва Гарвард университетларини тамомлаган. Узоқ йиллар «Буш Эксплорейшн Ойл энд Газ» компанияси директорлар бошқаруви раиси лавозимида фаолият кўрсатган. 1994 йилда Техас губернаторлиги учун ўтказилган сайловда ғолиб чиқди. 1998 йилда эса Жорж Буш ушбу лавозимга қайта сайланди. Унинг рафиқаси Лаура хоним солиқ ўқитувчидир. Уларнинг икки нафар (эги) қизи бор.

Шунини қизиқчи, АҚШ президентлиги 210 йиллик тарихига эга бўлса, шу давр ичида фақат бир бор ота-болалар навабга-наваб Оқ уйга соҳиблик қилишган эди. Ушунда АҚШнинг иккинчи президенти Ж.Адамс тўрт (1797-1801) йил лавозимда давлатни бошқарган бўлса, орадан салкам чорак аср ўтгач, унинг ўли К.Адамс ҳам роппа-роса тўрт йил (1825-1829) АҚШнинг олтинчи президенти сифатида фаолият кўрсатган эди. Кўриб турганингиздек, кичик Жорж Буш ҳам, «От изини той босади» деганларидек, ушбу воқеани қайта такрорлади.

АҚШ қўнунчилигида мувофиқ, Жорж Буш президент касамёдини (инаугурация) янги йилнинг дастлабки оидида АҚШ Сенати (Капитолия) ёнидаги мармар тошлар тўшалган баланд супада амалга оширди. Бунинг учун президент маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10.00 да ўз қароргоҳи — Оқ уйдан рафиқаси Лаура хоним ва бошқа яқинлари билан чиқиб, Пансилвания кўчаси бўйлаб, яё Капитолия томон юради ва 1 километр 600 метрлик ушбу масофани босиб ўтиб, белгиланган жойда Америка Қўшма Штатлари Олий Сули Раиси ва бошқа қатнашчилар иштирокатола тантанали равишда касамё қилади ҳамда шунга боғлиқ табирилардан сўнг келган йўлидан яёв Оқ уйга қайтиб боради. Шу тариха кичик Жорж Буш амалда президентлик ваколатини бажаришга киришади.

Фурқат САНАЕВ, «Жалқ сўзи» муҳбири.

Тезкор шарҳ

вилода республикачи Жорж Бушдан енгилган бўлса-да, аммо 1992 ва 1996 йилларда ўтказилган сайловларда демократлар яна биринчи бўлишди. Очирги, буни назарда тутганлар мазкур сайловда А.Горнинг галабасини башорат ҳам қилишган эди. Аммо ўтказилган телемунозараларда тарозининг палласи кўпроқ Жорж Буш томонга оғиб турди. Телемунозараларда номзодлар бир-бирларини аёвсиз танқид қилишди. Тўғри, бу АҚШ сайлов тизими сийсати учун олдий бир ҳол, албатта. Масалан, демократлар Ж.Бушнинг тошбағирлигини рўкач қилишса, республикачилар эса ҳозирги маъмурият ўз ҳукмронлиги даврида атом бомбаси яратиб сирларини хорижга сотиб юборганлигини айтишди. Лекин нима бўлганда ҳам, Америка халқининг хоҳиши-иродаси Оқ уй соҳибни Буш эканлигини аён этди.

Шу ўринда собиқ сенатор Прескотт Бушинг невараси ва собиқ президентнинг ўли киич Жорж Бушнинг меҳнат фаолияти кўпчилиқда қизиқчи ўйотиши табиий. У 1946 йилнинг 6 июлида Коннекти-

Олтиариқликлар сирини

Боболардан қолган мерос

Бу йил Фарғона вилояти пахтакорлари катта муваффақиятга эришдилар. Қатор йиллардан буён берилган вақда ўрилатилмаганини назарда тутсақ, устига устак, табиий шартининг нуқудай келганини ҳисобга олсақ, бу галаба салмоғи яққол намоён бўлади. Сафар маррасига етиб келишни Олтиариқ тумани деҳқонлари бошлаб бердилар. Агар вилоят пахтакорларининг ютуғи кўплар учун орзигиб кутилган воқеа бўлса, олтиариқликларнинг муваффақияти ҳеч кимни ажаблантирмади. Негаки, мазкур туманда қишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларида пешқадам бўлиш кўп йиллардан буён анғанга айланиб қолган.

Эндилкида Олтиариқ дейилса, беихтиёр воқеага юксак деҳқончилик маданиятининг тисмоси тушуниқмоқда. Бу маскан ҳақида сўз кетганда, миришқор деҳқонлар, ҳар тул ниҳол атрофида парвона бўлиб ишлаётган зукко соҳибқорлар сиймоси гавдаланади. Олтиариқдан чиққан Ўзбекистон халқ шоирини Анвар Обиджон ҳамжишолқлари ҳақида ҳазиломуз шундай деб ётади: «Олтиариқлик четта қиз бермайди — бошқа ёқда бодринг кўпаймасин деб, четдан келин олмайд — бодринг акшини билмайди деб». Бу галда жон бор экан. Айтишларича, бундан беш йил муқаддам Бағдал қишлоғига Олтиариқдан Зумрад исми кўз келин бўлиб тушибди. Мунодоқ қараса, янги хонадонга турмуш у қадар тўқис эмас. Келин ташаббусни қўлга олибди: бутун оила аъзоларини

Орият — гуруҳ дегани

Аслида ислохотлар моҳиятини англаб етиш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини муттасил яхшилаб боришга интилиш олтиариқликлар учун янгилик эмас. Туман халқи ҳозирги пайтда янада юксак ниятларни дилга тутиб яшайпти. Олтиариқлик эканлигидан гуруҳларнинг, бу ерда барча жаҳдда ўзлаштирилади натижа ҳеч кимни қониқтирмаслиғи аҳолининг умумий кайфиятини ифода-лайди. Буни кимдир Олтиариқ мўъжизаси деса, яна биров томорқадаги меҳнатнинг кенг далага қулоч ёйиши деб изоҳлайди. Гап воқеликка айланган рўқий кўтариллиши қағдидай номи билан аташда эмас, муҳирани, ана шу ижобий жараёнинг кенг-роқ қўллама намоён бўлишида. Агар олтиариқлик деҳқондан илгорлик сирларини сўрасангиз, «Ҳа энди, нима, ишлапимиз, қўлдан келгунча» деб ганини қисқа қилишни мумкин.

Ўз меҳнатидан файрлатлиб, натижаларини кучга тўлиб ишлаш фақат қўнглида орият, гуруҳи бор одамга ҳосилдир. Шу қулларда олтиариқликлар ишлаган одам юзгага чикмай қолмаслиғига яна бир бор ишонч ҳосил қилишди. Уларнинг ҳамжишолқлари Юрсинбой Жўраев Оқсаройга бориб, Қажрамонлик юлдузини Президентнинг қўлидан қабул қилиб олди. Деҳқончилик ишнинг зукко билимидон кўнчилига тақдир қолдуз шувласи ҳар бир олтиариқликнинг қўнглини ёритиб турибди.

Тахриба, таҳлил, аққос

Андижон технологияси

Қўлланилган жойда:

Ширкат ҳўжалигининг Одида Соттиев бошлиқ бригадаси пеленка остига 4 апрел куни чиқиб экиди. Олти куни деганда уруғ қўйгоҳ униб чиқди. 28 апрелда яваналаш ўтказилди. Оддий далага нисбатан бир марта кам сув берилади. Икки марта кам қўнглича қилишиди. Илон оида охирида пахта очилди. 21 август куни ёппасига терилма тушибди. Биринчи теримда 32-33 центнердан ҳўсил олинди. 14 сентябрда йиллик марра эгалланди. Ҳосилдорлик 50 центнердан ошиб кетди.

Қўлланилмаган жойда:

Ана шу ҳўжалиқда 7-бригадада чикти очиб далага еришче етилшига қараб 12 апрелда экиди. Уруғини бир текис қўқариши учун 10-12 күн талаб қилинди. Яваналаш 5 майда амалга оширилди. Пахта август ўрталарида очилди. Табиийки, пеленка қўлланилган далага нисбатан бир марта кўп сув берилади, икки марта қўнглича ортиқчи қилинди. Биринчи теримда сентябр бошларида киришилди, дастлабки қунарларда ектарида 25 центнердан ҳўси алинди. Йиллик режа 5 октябрда бажарилади.



Олтиариқда эртанишар, серҳосла пахта наварини жорий этиш масаласи ҳамми бирдай ўйлантиради. СУРАТДА: Ўзбекистон Қажрамони Юрсинбой Жўраев, туман ҳокими Ньюмон Омонов, илгор пахтакор Одил Соттиев ана шу ҳақий масала бўйича маслаҳатлашишапти.

«Оқбўйра» ширкат ҳўжалигининг «Дала дафтери»дан олинган мазкур кўрсаткичлар бу соҳадан бехабар одамга кам пеленка афзаллигини кўрсатиб турибди. Лекин масалага чуқурроқ назар ташласангиз, пеленка ҳақидаги фикримиз чала бўлиши табиий.

Аввало, пеленка бор жойда, муваффақият ўз-ўзидан таъминланади, деган фикр тўғри эмас. Айнан ана шу ҳўжалиқ 1999 йилда кўпроқ майдонга пеленка ишлатган, агротехникадаги хатолар оқибатда зарар кўрган. Демак, гап шаклда эмас, мазмунда. Умуман, Олтиариқ деҳқонлиги пеленкани экин кўрсатиши йўқ. Бу ерда 25-30 йиллардан буён ана шу восита ёрдамида эртаниб бориб, сабабот этиштиришнинг ҳавосини олиб келишапти.

Олтиариқлик томорқада бодринг ёки помидорнинг бирор тупини кўздан қочирмай ишлайди. Бирорта қўндал нобуд бўлса, дарҳол янгиёга алмаштирилади. Пеленка остига чикти экилганда ҳам шундай, ўргатган қўнғил ҳар ектарда жойлашган 184 минг унинг бирма-бир қўздан кечиради. Ниманидир алмаштирилади, пеленка четлари очилиб қолса, тупроқ билан қўнғил қўяди.

— Кенг пахта даласида ҳар туп гушатиш — жуда майда иш эмасми? Деҳқон қийнаиб кетмайдами? — Бу саволат Одил Соттиев шундай деб жавоб қилди: — Тўғри, қийинчилик бор. Майда иш. Лекин бошқа иложи йўқ-да. Ҳўсил қўнғилдан олинадил. Сиз деҳқончилик ҳақида айтилган мақолани эшитмангизми: «Йиғлаб-йиғлаб марза очганимди, ўйнаб-ўйнаб сув ичяманман». Биз ҳали бошқалар теримга тушмасдан, сенгйорнинг ҳарларида режани бажарганимизда, баҳордаги барча қийинчиликларимиз эсан чикиб кетди. Аксинча, ноябрнинг изгиринли қунарлари даладан йўқ пахтини излаган деҳқонлар бизга ҳавас қилишади.

Шўҳрат ЖАББОРОВ, «Жалқ сўзи» муҳбири. Тоҳир ҚАМРОУЛОВ олган суратлар.



Шундай гўзал коллеж биносиди таълим олаётган ёшларга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Бугун Тошкентда Қорақалпоғистон маданияти кунлари бошланади

ҳотлар ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилади?

— Республикада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг белгиланган дастурларини амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича бир қанча ишлар қилиниди ва қилинмоқда. Масалан, бу йил 6 та ўрнига 9 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилади. Яъни маҳсулот етиштиришда кичик ва ўрта бизнес ҳажмининг улуши 27 фоизни ташкил этади ва ўтган йилдагидан 3 фоизга ўсиши.

қарори ва 548-сонли фармойишига биноан, ичимлик суви иншоотларини яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, суғориладиган майдонларнинг сув таъминотини мустақамлаш, қишлоқ хўжалигига моддий-техник ёрдам кўрсатиш, болалар ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратилди.

— Бу фикрлар мисолларда янада ойдинлашди, деб ўйлайман. — Масалан, қишлоқда мулкдорлар синфининг шаклланиши, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши натижасида фермерлар жуда катта даромадга эга бўлмоқдалар. Ҳатто баъзи қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларининг амалий ёрдам сураб фермерларга мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам кўпайиб кетмоқда.

бўлган қизиқиши жуда катта. Шунинг учун бу боралдаги ишларни келгуси йилда яна давом эттирмоқчимиз.

Яна бир мулоҳаза: маълумки, Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг энг шимолӣ қисмида жойлашган. Бу пахтачилик учун унчалик қўлай эмас. Баъзи хўжалиқларда кейинги 3-4 йилда ҳосилдорлик 8-9 центнердан ошмапти. Бундай кўрсаткич билан меҳнат эканлиги ўз-ўзидан аён. Шу туғайли Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа вилоятлари нисбатан табиий ўзига хосликларини (ҳудудининг

билан бемалол таъминлашга катта ҳисса қўшган бўларди. Ҳозирнинг ўзида бу соҳанинг анча самарали эканлигини бир қанча фермер хўжалиқлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида ечишлик лозим бўлган яна қандай муаммолар бор, деб ўйлайсиз?

— Туман марказларида жойлашган машина-трактор парклари амалда уларни монополистларга тутиб, хизматлари эвазига жуда юқори тўлов шартларини қўйиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарини анча нуқдлай аҳволга солиб қўймоқдалар. Масалан, Қорақалпоғис-



Ўзбекининг «Лазги»сини кўйлайман



Қорақалпоқ ўтовни пойтахтимизга жуда ярашди.

Қиссахон хотираси

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида XX аср Марказий Осиё шеърятини қиссахонлиги билан ўлмас из қолдирган сиймо, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Соҳиб Нурмухамбетов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Филология фанлари доктори, профессор Кенесбой Алламбергенов қиссахон шоир қолдирган мерос тўғрисида маъруза қилди.

«Қорақалпоқ дафтарлари» — дилларда

Ажмиёв номидаги Пукус давлат педагогика институтининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди. Унда оқсоқол адиб Тулениберген Қайбергенов, профессор Қарамбой Қўрамонов ва бошқалар ажойиб сўз устаси, унинг гўзал мероси, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётининг алоқалари ҳақида гапирдилар.

Янгибой Қўчқоров, «Халқ сўзи» мухбири.

Оролбўйи:

Янгиликлар йўлида

лик субъектларига тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан жами 2,9 миллиард сўм миқдорда кредитлар берилди. Шунингдек, республикада молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Бюджетта солиқ тўшуми қисса режаси бўйича топиришлари ошириб бажарилиди, нақд пул эмиссияси 4,2 фоизга пасайтирилди.

Лексин, тан олиш керак, ўтказилган иқтисодий ислохотлар қулпиган натижаларни бермаган ҳолатлар ҳам бўлди. Яъни ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирма баҳолашда ўтган йилга нисбатан 3,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги яъни маҳсулоти 8,4 фоизга пасайди. Капитал маблағлар ҳажми 15 фоизга, пудрат ишлари ҳажми эса 12 фоизга камайди.

— Бу йил рўй берган табиий қийинчиликлар асосан аграр ўлка ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикасига ҳар томонлама салбий таъсир кўрсатгани рост. Унинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Сув танқислиги ва қургўчилик бизга жуда қўяматта тушди. Биргина республика қишлоқ хўжалигига етказилган зарар бугунги кунда 17 миллиард сўмдан зиёд деб баҳоламоқда. Экинчилик лозими бўлган майдонларнинг 75 фоизигагина уруғ сочилиди, холос. Шолининг 49,3 фоизи бўлса кечикиб экилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, юқумли ичак касалликларини тарқалишининг олдини олиш борасида ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар қабул қилди. Вази-лар Маҳкамасининг 279-сонли

Аввал хабар қилинганидек, 15-18 декабр кунлари Тошкентда Қорақалпоғистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазири Кенесбой Раиси Амин ТОЖИЕВ билан суҳбатимиз ҳам айни шу тадбирдан бошланди.

ниши, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши натижасида фермерлар жуда катта даромадга эга бўлмоқдалар. Ҳатто баъзи қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларининг амалий ёрдам сураб фермерларга мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам кўпайиб кетмоқда.

Биз ўтган йили санациядан чиқа олмаган қишлоқликларни тарқатиб, фермер хўжалигини тизган эдик. Ҳозир уларнинг ишлари ёмон эмас, халқнинг интилиши, пировард натижага

кенглиги, табиий қўллар, пичанзорларнинг қўллиги ва ҳоказоларини) ҳисобга олган ҳолда, бу ерда ровоқчилик соҳасини янада ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилиши лозим, деб ўйлаймиз. Мабоодо, биз ҳосилдорлиги паст шимолӣ ҳудудга жойлашган қишлоқ хўжалиги корхоналарида эм-хашак ва озуқа экинлари майдонини кенгайтираёқ, Қорақалпоғистоннинг яна эмас, балки бошқа вилоятларини ҳам балиқ ва гўшт маҳсулотлари



Оқилларга мана шу ердан жўй ҳозирлаймиз.

тон Республикасида МТП ва фермер хўжалиқлари ўртасида 2000 йил учун 159,8 миллион сўмлик 962 та шартнома тузилган бўлса ҳам, аслида уларга МТП томонидан атиги 50,1 миң сўмлик (31,3 фоиз) хизмат кўрсатилган. Шу туғайли ҳуқуқий муқобил хизматлар барпо этиш йўли билан агро-сервис тармоғида рақобатчилик муҳитини шакллантириш лозим.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларининг фикрига қўра, қатъий банк схемаси бўйича ўтказилган ҳозирги молиявий ўзгаро ҳисоб-китоблар тизими хўжалиқчиликка бўлиб қўйилгани ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг соф фойда олишга қизиқишининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Натيجала бу соҳадаги фойда билан ишловчи корхоналар ҳам, зарар билан ишловчи корхоналар ҳам ўз маблағларидан эркин фойдалана олмайпдилар. Шунинг учун, бизнингча, молиявий бакувват қишлоқ хўжалиги корхоналари олдига қўйилган турган бундай тўқсизликка барҳам бериш ва улар ҳисоб рақамиди пул маблағларининг эркин ҳаракат қилишини таъминлаш чораларини кўриб чиниш зарур.

Шунингдек, республика халқ хўжалигини янада юксалтиришга доир баъзи муаммолар ҳам борки, фурсатдан фойдаланиб, булар ҳақида ҳам айтиб ўтмоқчиман.

— Масала... — Учқўдўқ-Мискин-Тўртқўл» темир йўли қурилишининг якунлаштириш Ўзбекистонга Осиё ва Европа мамлакатлари билан бевосита алоқа қилиш имконини беради. Келгусида худди шундай «Уш-

Рассомлар кўргазмаси

Бугун Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмаар заида қорақалпоғистонлик мўйқалам устасларининг санъат асарлари кўргазмаси очилди. А.Саидқўй номидаги Қорақалпоғистон давлат музейидан келтирилган икки юздан зиёд экспонатлар ичида Женис Ланесов, Ж.Қутлифмуратов, Ж.Изетмаев асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Кўргазмага кўйилган асарларнинг томоша қиларкансиз, уларнинг ҳар бири Оролбўйи дёғирининг бой маданияти ва маънавиятини ўзида акс эттирганига ғувоҳ бўласиз.

— Биз Қорақалпоғистон маданияти кунлари доирасида ташкил этилган ушбу кўргазмага нафақат рангасавир, график, манзара асарлари, балки хайкалтарошлик, халқ амалий санъати намуналарини ҳам келтирилган. — дейди музей директори Муовини Ҳудоймат Сопиова. — Буларнинг барчаси қорақалпоқ дурдоналари ҳисобланади.

Дарҳақиқат, кўргазмадан ўрин олаётган «Қизил кеме», «Оқ кеме» деб аталувчи айслар либослари, сўян ва гилжалар ушбу халқ тарихидан ҳикоят қилади. Ота Орол, дўнбара чериб дoston қўйилган қорақалпоқ оқини, «қизил кеме» динган ой юзи суғу сизни пойтахтимизда ўтказган қорақалпоқ халқ байрамга чорлайтгандай.

Мажмуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Сўхбатдош: Озод РАҲАБОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Комиссия йўғилиши

Республика Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлиги комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни маъруза комиссияси раисининг муовини, республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев олиб борди.

Йиғилишда жорий йилнинг ўтган даврида республикада 9,8 миңдан зиёд автомобиль йўл-транспорт ҳодисаси содир этилгани, оқибатда 2 миңга яқин киши ҳалок бўлиб, 10,4 миңдан ортиқ

киши турли даражада тан жароҳати олгани таъкидланди. Бу бахтсиз ҳодисалар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча камайганини кўрсатади. Лекин хотиржамликка берилиш учун асос бўлмайди. Чунки айрим ҳудудларда, жумладан, Наманган, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини ҳаётан ҳаётан юқориликка қолмоқда.

Шунингдек, йиғилишда болалар билан боғлиқ кўнгилсизликларнинг олдини олиш борасида ҳам бир қатор муам-

молар тўпланиб қолгани, мактабларда йўл ҳаракати қондаларини ўқитишга етарли аҳамият берилмаётгани, ота-оналар, маҳалла фаоллари томонидан болалар билан тарбиявий ишлари олиб бориш суъайтириб юборилгани кайд этилди.

Йиғилишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида республика ҳукуматининг ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг қарорларини айрим ҳоқимлик, вазирилик, идора ва ташкилотлар томонидан бажарилиши талаб даражасида эмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўз мухбиримиз.

Йил якуни: САБОҚ ВА ХУЛОСАЛАР

Қиш бошланиб, дала ишларидан бироз қўли бўшаган деҳқон ўтаётган йилда қилинган ишларни сарҳисоб этади. Қанча фойда олди, қанча зарар кўрди? Қайси ишда хато қилди, нималарга эътибор бермади? Келгуси ишларини режалаштиришда бу йил сабоқларидан қандай хулосалар чиқармоғи керак?

Қасби туманидаги Алишер Навоий номи ширкат хўжалигида йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши анча жиддий, танқидий руҳда, мунозараларга бой тарзда ўтди. Бунинг сабаби — тумандаги илгорлардан саналмиш ушбу хўжалик бу йил қулпиган натижаларга эришмади. Пахта тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси 93,5 фоиз уддланди. Дон тайёрлаш режаси ҳам бар-боқ бўлди. Полыз ва сабзот маҳсулотларидан мўлжалдаги

ҳосил олинмади. Жун, пилла режаси бажарилган бўлса-да, чорва моллари сонини, маҳсулотларини қамайиб кетди.

Ҳисобот йиғилишида қатнашган Қашқадарё вилояти ҳоқими Бахтиёр Ҳамидов филокорона ва самарали меҳнат қилган деҳқон шунга яраша даромад олишни кераклигини таъкидлади. Ҳоким ердан фойдаланишдаги ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бериш, айниқса, Қашқадарё шароитида сувга муносабатини ўзгартириш, обхотнинг ҳар томонидан ҳисоб-китоб қилиш зарурлигига эътиборни қаратиш, у хўжалик фаолиятини таҳлил қилар экан, кузи-қишки дала ишларининг боришдан ҳам қўнқимганини, келгуси йил ҳосилига шу қуларда пухта замин тайёрлаш лозимлигини ўқитди.

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.

ҳаражатлар кўрсаткичлари таҳлили шунини кўрсатадики, 2000 йилда деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун бизнесрежада кўрсатилганидан 13 миллион 448 миң сўм кўп харajat қилинган. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича рентабеллик даражаси 9 фоиздан 2,1 фоизга тушиб кетди.

Аммо бу йилги об-ҳаво нуқдвалигига қарамастан, астойдил меҳнат қилиб, юқори ҳосил олишга эришган ғаллакорлар, пахтакорлар борлиги кишини қувонтиради. Жумладан, оилавий пудратчи Рустам Шерматов 16 гектар майдонда ғалла етиштириб, ҳар гектар ердан 52 центнердан ҳосил олишга эришди. Ражаббой Чориев эса 63 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 45,8 центнердан хирмон кўтарди. Илҳом Исломов, Азамат Муқаррамов каби оилавий пудратчилар ҳар гектар майдондан 42 центнердан ошириб пахта ҳосили олиб, сидқивилдан, филокорона меҳнат қилинса, мақсадга эришиши мумкинлигини амалда кўрсатдилар.

Вера КАРАСЕВАнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

Кабель топилди

«Телефон ҳозирги даврда энг қўлай алоқа воситаси ҳисобланади. Бўлимизга телефон келтирилганда, барча қўвонанди. Аммо шу йилнинг ўзида унча кўз теги. Ноин-софлар телефон кабеллини ўғирлаб кетишибди. Шундан бери бормаган идорамиз, учрашмаган амалдоримиз қолмади. Ҳаммасидан олаён жавобимиз битта — кабель йўқ. Ҳурматли «Халқ сўзи», бизнинг илтимос ва талабларимизга беш ойдан бери қуруқ вағда бериб келётган шахсларга нисбатан бир сўз дегин, зора мушкулумиз осон бўлса.

А.ҚўЧАРОВ, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси. Ф.ҒАФФОРОВ, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Сирдарё туманидаги «Малик» ширкатлар уюшмаси.

Ҳақиқатан ҳам, сира иложи йўқми? Газета худди шу савол билан туман ҳоқимини мурожаат этади. Кеча таҳририятда шовилчинома келди. «Сендан ҳара-кат, мендан баракат» деганларидек, муаммон ҳам этниш чорасини топишибди. Туман алоқа бўлимининг бошлиғи Анвар Оғаловнинг хабар беришича, тегишли кабеллар ҳам, темир бетон устулар ҳам келтирилган. Алоқа йўллари тиклаш борасидаги ишлар жадал олиб боришмоқда. Ҳадемай, «Малик» ширкатлар уюшмасининг 3-бўлимидаги телефонлар ишлайди. Сизларга, шахсан илтимоснома муаллифлари, ўз уйларида телефон орқали кўнги-роқ қилишиб гаплаганилади. Бунга ишонсангиз бўлади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари диққатига!

Жорий йилнинг 15 декабрида ўтказилган мўлжалланган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши банк кенгаши қарори билан кечроқ муддатга қўчирилди. Йиғилишни ўтказиш мuddати тўғрисида қўшимча хабар берилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» кенгаши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ «ПАРКЕНТВОДСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 1-ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ БОШҚАРМАСИ 2000 йил 1 декабридан «Паркентводстрой» трестининг монтаж-қурилиш бошқармаси билан бирлашади. БАРЧА ДАЪВО ВА ЭЪТИРОЗЛАР ЭЪЛОН ЧОП ЭТИЛГАНДАН БОШЛАБ 2 ОЙ ДАВОМИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Банкнинг янги кредит линияси

Осиё Тараққиёт банки директорлари кенгаши Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 50 миллион АҚШ долларини миқдордаги иккинчи кредит линиясини очишга қарор қилди. Мазкур маблағ Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк», «Пахтабанк» орқали қайта молияланади.

ОТБ 1997 йилда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратган биринчи кредит линияси муваффақиятли ўзлаштирилди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан экспортга мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босувчи 30 дан ортиқ лойиҳалар молияланди, республиканинг барча ҳудудларини юзлаб янги ишчи ўринлари ташкил қилинди.

Иккинчи кредит линиясининг очилиши мамлакатимизда амалга оширилган кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш сийсати халқаро молия

институтлари томонидан юқори баҳоланганга ва қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес соҳасига хоржий молия институтлари ажратган кредитлар ва инвестициялар миқдори, ОТБнинг янги кредитини ҳисобга олганда, 400 миллион АҚШ долларидан ошиб кетди.

(ЎзА)

UCD Group advertisement for computer equipment. Includes text: 'COMPUTERLAR 2 ЙИЛ КАФОЛАТИ БИЛАН', 'Компьютерларнинг турли хилини буюришингиз мумкин', 'http://www.ucd.uz', 'С. Азимов к., 72а', 'К. Махсумов к., 72', 'Супайинов к., 29', '«Нукус» к., 24', 'МОНЕТИНГ', 'NEW', 'MT-02 Blue', 'MX-02K', 'AIX-8A', 'MX-02', 'Телефонлар: 120-6861, 120-6862, 133-9913; 132-0661, 132-1277; 132-1433, 139-1897; 139-4478, 133-4341'.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирига Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоси рағбатчилик бўлими мудири, иқтисод фанлари номзоди

Гофур ОТАБОВЕВнинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилади.

Ҳадис — ҲИҚМАТ БУЛОҒИ

* Раҳмдилларга Аллоҳ таоло ҳам раҳм қилади. Ердагиларга сизлар раҳм қилинганлар, осмондаги зот сизларга раҳм қилади.

* Пора берган ҳам, пора олган ҳам дўзахга тушади.

* Кўнгли юмшоқлик (ҳалимлик) ҳиқматнинг бошидир.

* Мусулмон одамни сўкиш — фосиқлик, ўлдирish — кофирликдир.

* Ибодат ва амалларда ўртача бўлинглар.

* Аллоҳ таолодан магрифат ва хотиржамлик сўранганлар. Чунки ҳеч кимга имондан кейин хотиржамликдан яхши нарса бермаган.

* Саховат (очиқ кўлик) жаннат дарахтларидан бирики, унинг шохлари осилиб тушиб туради, ким унинг шохини унласа, уни жаннатга олиб боради.

* Оғир-босиқ бўлинглар, эй, Аллоҳ бандалари, оғир-босиқ бўлинглар.

* Оғир-босиқликда фойда бор, шомашошарликда зарар бордир.

* Салом — бу Аллоҳнинг исмларидандир. Аллоҳ уни ерга номи қилди, уни ораларингизда кенг тарқатинглар.

* Одамларнинг ёмони аҳли (оиласи)га торлик қилган кишидир.

* Қариндошнинг қариндошга қилган садақаси — ҳам садақа, ҳам силаи раҳмдир.

* Тонгда ухлашлик ризқни қилди.

«Шарқ жавоҳирлари»

Куни кеча Жаҳон тиллари университетида «Маънавият» нашриётида чоп этилган ушбу номдаги китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди

Ўртингидан етишиб чиқиб, бутун дунёга танилган, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган буюк маънавият соҳиблари тўғрисидаги ушбу китоб (жойи жаннатда бўлсин) ёзувчи ва олим Фуломхон ҳожи Фафуров қаламига мансуб. Имом ал-Бухорий, имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, имом Абу Довуд, имом ибни Можжа каби қатор алломалар ҳаёти, ижоди битилган саҳифалар ўқувчи кўнглига ёрулик ва нур олиб киради. Билимга билим қўшиб, тасаввурини кенгайтиради. «Шарқ Ренессанси» деб аталган улдувор даярга тамал тоши қўйган, маънавият ва маърифат уммонини яратган бобоқалонларимизни юзага олиб чиққан ҳамда бизга яқин-

лаштираётган Мустақилликка яна бир бор шукрона айтгайми, беихтиёр. Китобда нақл қилинган ҳар бир алломанинг ўзи бир тарих, осмонимизни ёритиб турган юлдуз!

Яқин оғайнилари, ҳамкасблари «Фафур Фулом ижодининг тадқиқотчиси Фулом Фафур», деб таърифлашган муаллиф, афсуски, оламдан эрта кўз юмди. Унингнинг никоҳ тўйини, ушбу китобни чиққан кунни кўролмади. Лекин у ажойиб инсон, бетакрор ижодкор сифатида ҳамisha ҳаёт. Буни тақдимот маросимида унинг оила аъзолари, ҳамкасблари ва шогирдлари ҳам эътироф этидилар.

Г.ХУСАНОВА.



Рақобатчи опа-сингиллар

1982 йилнинг кузига Тбилисда ўтказилган шахмат биринчилиги қатнашчилари орасида хиндистонлик халқаро мастер Рахника Кадилкар ҳам бор эди. Бу ҳуқуқни у 1981 йили Осие минтақаси бўйича ўтказилган турнирда қўлга киритган. Бироқ у Тбилисга жўнамасдан олдин



Шахмат ҳангомалари

мамлакат чемпионатида қатнашиб, биринчи бўлган: сингиллари Яшри билан Вассентиларнинг жиддий қаршилигига дуч келди. Чемпионатда 9 имкониятдан 7,5 очко олган Яшри голиб чиқди. Рахника билан Вассентилар ундан ярим очко ортда қолиб, иккинчи учинчи

ўринларни баҳам кўришди. Опа-сингилларнинг учови ҳам халқаро мастер унвонига эга. Бунақаси кам учрайди.

Ҳўинларнинг энг доноси

Қирол Генрих VII замонида Британиянинг Мадрид-

даги элчиси бўлган файласуф ва дипломат Томас Элиот ўзининг қиролга йўллаган «Хукмдор» деган рисоласида шахматни «барча Ҳўинларнинг энг доноси бўлиб, хотирани мустаҳкамловчи, ақлни пешловчи, топағонлиги билангонликни ўстирувчи восита», деб таърифлайди.

Мамажон МУХИДДИНОВ.

«ЎЗФАРМСАНОАТ» ДАК СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

19 - 21 декабр кунлари ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИНИ

ўтказади.

Ушбу ярмаркада 2001 йил учун дори-дармон ва тиббий маҳсулотлар бўйича шартномалар тузишнингиз мумкин.

Очмани маросими — 2000 йил 19 декабр соат 10.00 да бошланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Охунбобоев майдони, 21-уй (150-дорихона биноси).

Маълумот учун телефонлар: 137-65-19, 137-65-17, 42-33-92, 42-32-25, 144-67-51.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

«СУВЖИҲОЗГАЗ»

Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси тежамкорликни бугунги куннинг асосий шiori деб билган ҳўжаликлар, ташкилотлар ҳамда фуқароларга ўз маҳсулотларини тавсия қилади

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган газ ва сув ўлчачи асбоблари Ўзбекистон давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.

Улардаги: — юқори сезгирлик; — узоқ муддат хизмат қилиш; — аниқ ўлчаш; — газни ташқарига чиқармаслик; — бежирим ташқи кўриниш; — арзон нарх

каби афзалликлар юқори сифатдан далолат. «Сувжиҳозгаз» харид қилинган асбобларнинг икки йил давомида бузилмасдан ишлашига кафолат беради ҳамда шу давр мобайнида носозликлар чиқиб қолса, бепул таъмирлаб беради.

Сизнинг тежамкорлигингиз — келажакка мадад!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Чилонзор» мавзеси, 20-даҳа, 19/3-уй. Тел.: 117-15-42, 117-15-54, 117-15-56.

ДИҚҚАТ! ТАНЛОВ!

Миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини ёшлар онги ва қалбига сингдириш, бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларига айланди. Шу мақсадда республика таълим тизимига «Миллий истиқлол ғояси» ўқув фани киритилмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим тизимининг ўрта махсус, касб-хунар, бакалавр ва магистратура босқичларига мўлжалланган, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига мувофиқ тузилган энг яхши дастур ва қўлланмалар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда ўрта махсус, касб-хунар ва олий ўқув юртилари профессор-ўқитувчилари, Фанлар академияси институтлари олимлари, ёзувчилар, шоирлар иштирок этишлари мумкин. Дастур ва ўқув қўлланмалари матнлари компьютерда терилган, қоғозга босилган ва магнит дискетасига ёзилган бўлиши керак.

ҚўЛЭЗМАЛАРГА ҚўЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ИЛОВА ҚИЛИНАДИ:

- муаллиф исми, шарифи, илмий унвони ва даражалари, асосий иш жойи ва лавозими ҳақидаги маълумотлар;
- ташкилотнинг йўлнамаси;
- қўлэзamani муҳокама қилган кенгашнинг қарори;
- ички ва ташқи тақризлар;
- аннотация.



Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб дастур учун 2 ой, ўқув қўлланмалари учун 5 ой.

Ғолиб чиққан қўлэзмалар учун 1 млн. сўм пул мукофоти белгиланган ва улар республика нашриётларида чоп этилади.

Танловнинг якунлаш муддати:

дастур учун 2001 йил 1 март, ўқув қўлланмаси учун 2001 йил 1 июн.

Қўлэзмаларни қабул қилиш:

Манзил: 700011, Тошкент, «Пахтакор» кўчаси, 3-уй

Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти.

Тел: 139-14-15, 41-89-57, 41-80-07.

(Материаллар жойлаштирилган папкага «Миллий истиқлол ғояси» белгиси қўйилсин.)

“Let’s study in Japan!”
HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP
(2001-2002)
under the Grant Aid by the Government of Japan

Ministry of Higher and Secondary Specialized Education with the Collaboration of JICA and Japan International Cooperation Center (JICE), offers the scholarships under Japanese Grant Aid program (JGS) to the young people in Uzbekistan in order to provide opportunities for academic research at Japanese higher educational institutions' Master course. The JGS Program targets young government officers, researchers, business people and others with the potential to play leadership roles in their specialties after their return to Uzbekistan so that they can contribute more effectively to the development of Uzbekistan.

1. Qualification and Requirements for Applicants

- (1) Nationality: Applicants must be citizens of the Uzbekistan
- (2) Age: Between the age of 22 and 35 years old (as of September 1, 2001)
- (3) Number to be dispatched: at most twenty persons
- (4) Academic background: Higher Education graduates (or those who will complete to get credits necessary for their graduation from a university or an institute by the end of June 2001)
- (5) English Proficiency Level for Master's course in Japan: IELTS 6.5 / TOEFL 550 or equivalent is required. (Japanese proficiency also is preferable.)
- (6) No applicants who are currently receiving (or is scheduled to receive) another scholarship shall be eligible for selection as a student.

2. Study field in Japan and its degree

- a. Law
(*For those who are applying for the field of Law, it is necessary to have a degree of Bachelor in Law.)
- b. Public Administration?
- c. Economics
- d. Business Administration
(*Those who are applying for the field of Business Administration, more than 3 years of related working experiences are required.)
- e. Other (Information Technology)
(*Consequently, applicants who graduated with excellent academic records in each subject are preferable. Especially, as for Information Technology, high-level knowledge of related fields are strongly needed. Background such as "Computer Systems and Network Engineering", "Multimedia Science and Arts" or "Info-telecom Socio-Economics, Network business and Policy" is necessary.

- (2) Degree to be obtained: Master's degree (basically, 2-2.5 year-course)
- (3) Language of Master's degree: English and/or Japanese

3. Tentative Schedule of JGS Program

- (1) Time of commencement of preparatory Japanese training: Middle of April 2001 (Every weekday, full-time basis, in Tashkent)
- (2) Time for leaving for Japan: July or August 2001

4. Application procedure

Applicants should submit the JGS's "Application Form" accompanied with necessary documents (e.g. academic

1. Ministry of Foreign Economic Relations of the Republic of Karakalpakstan
Nukus city, Dusilk St., Guzari 86
2. Representative office of MFER in Andijan Region
Andijan city, A.Navoi-126 St.
3. Representative office of MFER in Bukhara Region
Bukhara city, I.Muminova-1St.
4. Representative office of MFER in Djizak Region
Djizak city, S. Rashidov-63 St.
5. Representative office of MFER in Kashkadarya Region
Kashki city, Mustakillik 2 St.
6. Representative office of MFER in Namangan Region
Namangan city, B.Mashraba 3 St.
7. Representative office of MFER in Navoi Region
Navoi city, Khalklar Dustligi -77 St.
8. Representative office of MFER in Samarkand Region
Samarkand city, Kuk Saroy 1 St.
9. Representative office of MFER in Surkhandarya Region
Termez city, F.Khodjaeva 17a St.
10. Representative office of MFER in Sirdarya Region
Gulistan city, Alleya Geroev 1 St.
11. Representative office of MFER in Fergana Region
Fergana city, Al-Fargony -53 St.
12. Representative office of MFER in Khorezm Region
Urgench city, Istiklol-55a St.
13. Representative office of MFER in Tashkent Region
Tashkent city, Khorezm-51 St.
14. Embassy of Japan in Uzbekistan
- Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 1-18, Sadyk Azimov Str., Tashkent
- Tell its receptionist your purpose of visit there
15. JICA Uzbekistan Office
- Mon. to Fri., 9:30 to 12:30 and 14:00 to 18:00
- Until 28th Dec.
- 18, Sadikov Str., Tashkent
- Tell its receptionist your purpose of visit there
16. JICE Uzbekistan Project Office (Banking and Finance Center)
- Mon. to Fri., 9:30 to 12:00 and 14:00 to 18:00
- 1, Turab Tula Str. Tashkent
- Tell its receptionist your purpose of visit there

5. Application deadline: 8th January 2001
Applications received after the deadline will NOT be considered.

6. For more information, you can access to Internet, JICA's Website.
From 8th December <http://www.jica.uz/>

Reference Telephone (Monday to Friday, 14:00 to 17:00 until 5th Jan. 2001)
139-1691 (Ministry of Higher and Secondary Specialized Education)
139-1567 (JICE Uzbekistan Project Office)
(We may not answer the detail of scholarships itself, the selection criteria and so on.)

«ХАЛҚ СҮЗИ»
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоберов, И. Шогўломов, О. Қанипберганов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўнхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1115, 18120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Объетт усулида босилган.
Қоғоз бичими А-2
Газета IBM компьютерда терилди ва оператор Жамия ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Манзилимиз: 700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — И. Ҳўбосаров.
Набатчи — Л. Тургунова.
Мусаххих — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тоширини вақти—21.00 Босишга тоширилади: 23.20 1 2 3 4 5 6